

ЁШЛАР МАЬНАВИЙ КАМОЛОТИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Обиджон Ғуламов

Тошкент Архитектура-қурилиш университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ёшлар келажагимизни таъминлайдиган буюк куч сифатида жамиятни модернизатсия ва ислоҳ қилишда марказий ўринда туришлари, бунда уларнинг қобилият ва имкониятлари етакчи омил бўлиб, ушбу жиҳатларни шакллантириб ривожлантириш бугунги зиёлиларимиз зиммасидаги асосий вазифа эканлигини чукур ҳис этишимиз лозимлиги, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда ёшларнинг билими, қатъиятлилиги, иродаси, ахлоқий хусусиятлари муҳим бўлиб, ушбу жиҳатларга эътибор бериш кераклиги бунинг учун ёшлар орасида анъанавий-тариҳий қадриятларимиз тарғибини йўлга қўйиш, уларда миллий ўзликни англаш ҳиссини ривожлантириш масалалари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Ёшлар маънавияти, қадрият, ўзликни англаш, маданият, ғоя, тариҳий тараққиёт, ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик.

ABSTRACT

In the article, we should deeply feel that youth as a great force that will ensure our future, occupy a central place in the modernization and reform of society, that their abilities and opportunities are the leading factor, and that the formation and development of these aspects is the main task of our intellectuals today, the role of youth in strengthening the foundations of a legal- democratic state and civil society. Knowledge, perseverance, proda, moral characteristics are important, and it is necessary to pay attention to these aspects, for this, issues of promotion of our traditional-historical. Values among young people, development of a sense of national identity in them are analyzed.

Keywords: Youth spirituality, value, identity, culture, idea, historical development, solidarity, patriotism.

КИРИШ

Бугунги глобал тараққиёт шароитидаги трансформатсиялашув жараёнлари келажак тараққиётни таъминловчи куч ҳисобланувчи ёшлар интеллектуал салоҳияти, жумладан уларнинг маънавий юксалишига асосий эътибор қаратишни

тақозо этмоқда. Чунки, миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ўсиб бораётган ёшлар қатлами техноген сивилатсиянинг асосий таъсир обьектига айланиб, ҳар қандай тараққиёт, у ижобий бўладими ёки салбий бўладими – ёшларни таъсирчан куч сифатида ўз домига тортиб бораётганлиги бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг Стратегик тараққиётини таъминловчи барқарор ва изчил ривожлантиришга оид концептуал ғоялари[2] глобал тараққиёт шароитида обьектив жараён ҳисобланувчи ушбу ҳодиса ёшларни умуминсоний тараққиётнинг оптимал ривожини таъминлашга ҳисса қўшувчи бунёдкор куч сифатидаги фаолиятига ургу бериш, тарбиялаш ва йўналтиришни тақозо этмоқда. Чунки, жаҳон миқёсида ўз таъсирини ўтказишга интилиб ҳамда бунга эришиб келаётган ушбу глобал тенденсия биринчи навбатда ижтимоий тараққиётнинг юксалаётган субъекти бўлган ёшлар тафаккури ва маънавиятига таъсир этишга интилиши ҳам эътиборни тортади.

Дунёда глобал таъсирлар шароитида умуминсоний маданиятда маънавий юксалишга нисбатан маънавий таназзул ёки тубанлашиш нисбати ортиб бораётган бугунги реалликлар шароитида ёшлар дунёқарashi ва фаолиятига ижобий таъсир этувчи ижтимоий-маданий омиллар ва ушбу омиллар тарғиби ва тадқиқи билаш шуғулланиш борасида жаҳон илмий жамоалари, халқаро жамғармалар ҳамда ёшлар фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан ёшларни фаоллаштиришга доир қарашларнинг методологик асосларини ёритишга оид бир қатор концептуал қарашлар илгари сурилиб, назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хозирги глобал тараққиёт шароитида ёшлар мавқеи, жамиятнинг ижтимоий структурасида тутган ўрни, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашда ёшларнинг роли, миллий ғоя тарғибида таъсир обьекти сифатида ёшлар, миллий юксалиш ва ўзликни англаш, диний-маърифий омилнинг ёшлар маънавиятига таъсири, ёшлар ва минтақа миқёсидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, глобаллашув шароитида тенденсион ўзгаришларнинг ёшлар маданиятига таъсири, Ўзбекистонда ёшларга оид сиёсий-хуқуқий ёндашувлар каби масалаларни Ў.Абилов, Г.Туленова, З.Қодирова, С.Мамашокиров, И.Саифназаров, О.Мусаев, А.Очилдиев, Э.Юсупов, Ж.Яхшиликов каби олимлар тадқиқ этганлар. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий хавфсизлиги ва мақсадли фаолиятини ташкил этиш, хориж тилларини ўрганишнинг

аҳамиятини, сиёсатшунос олимлар С.Жўраев, Н.Жўраев, С.Атамуратов, Ш.Пахрутдинов, И.Эргашев, Қ.Қуронбоев, Г.Машариповалар ижтимоий барқарорлик ва беқарорлик, глобаллашув жараёнларининг ёшлар онгига таъсирини, педагог олимлар А.Дўланов, М.Куров, М.Лафасов, З.Мадалиева, педагогик тарбия ва таълим тизими ислоҳотларининг ёшлар дунёқарашини шакллантиришдаги ролини очиб берганлар.

Маданий омилларнинг жамият ижтимоий тафаккурига таъсири, этномаданиятлар тарғибининг ижтимоий бирлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашдаги ўрни, қадриятлар тизимида маданий омилларнинг ўрни масаларида У.Қорабоев, О.Нишонова, У.Ўтановалар, С.Отамуродов миллий-маънавий тараққиёт, глобаллашувнинг этномаданий ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларини[1], Ў.Абилов, Г.Туленова, З.Қодирова, С.Мамашокиров, И.Саифназаров, О.Мусаев, А.Очилдиев, Э.Юсупов, Ж.Яхшиликов ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий хавфсизлиги ва мақсадли фаолиятини ташкил этиш, хориж тилларини ўрганишнинг аҳамиятини очиб берганлар.

Янги Ўзбекистон жамиятининг асослари мустаҳкамланаётган бугунги тараққиёт шароитида ёшлар фаолигини ошириш, бунда биринчи навбатда баркамол авлод маънавиятини юксалтириш асосида уларнинг ахлоқий-интеллектуал дунёсида позитив ўзгаришларни таъминлаб бориш муҳим. «Хозирги замон шароитида ёшлар ҳам давлат, ҳам жамият манфаатлари оқилона қўшилиб кетган конструктив ижтимоий фаолликни намоён қилиши учун барча имкониятларни яратиш айниқса муҳимдир»[3]. Муаллифлар томонидан тўғри таъкидлангани каби конструктив ижтимоий фаолликни намоён этиш бугунги тараққиёт шароитидаги муҳим вазифадир. Конструктив ижтимоий фаоллик креативликни ҳам талаб этадики, давр моҳиятини ифода этувчи ҳам қандай конструктивлик асосида креатив ёндашув ётадики, ушбу омилни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Шу боис, креатив ёндашув асосларини оиласдан, болалар боғчасидан, мактаб ва бошқа ўкув муассасалари, хизмат ва меҳнат ташкилотларидан йўлга қўйиб, рағбатлантириб бориш мақсадга мувофиқ. «Ижтимоий фаолликни шакллантиришнинг анъанавий институтларига инсонга кетма-кет таъсир кўрсатувчи оила, яқин атрофдагилар, мактаб, ўрта маҳсус ва олий ўкув муассасалари, ижтимоий ташкилотлар, ишлаб чиқариш киради»[4].

МУҲОКАМА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek: «Ватан учун қалқон, ҳақиқий марди

майдон бўлишга, керак бўлганда ҳатто ўз жонини қурбон қилишга ундейдиган куч – бу аввало маънавий-маърифий тарбия эмасми? Бундай тарбиянинг асосида ўзак масала бўлиб турадиган тушунча – бу миллий руҳдир. Миллий руҳ инсонда она алласи, унинг оқ сути билан бирга шаклланади, десак, тўғри бўлади»[5]. Ушбу фикрлар:

1. Янги Ўзбекистон шароитида ёшлар тарбияси ва таълимiga долзарб вазифа сифатида эътибор қаратиш талаб этилади. Буни биз, олий ўкув юртидан эмас, балки оиласидаги тарбиядан, маҳалладаги тарбиявий мухитнинг намоёни ҳамда таъсиридан, ўрта таълим даргоҳларидан йўлга қўйишимиз лозим. Бу борада қуи поғоналарда асос мустаҳкам бўлмас экан, олий ўкув юртлари, меҳнат ва хизмат жамоаларидағи маънавий-тарбиявий тадбирларнинг таъсири камроқ бўлади. Шу жиҳатдан ҳам, маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўзаги болаликда сингдиришни тақозо этади.

2. Ўзбекистонда асослари мустаҳкамланаётган фуқаролик жамиятининг етуклиги ҳамда тантанаси маънавий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам жамият зиёлиларининг мақсади келажак тараққиёт учун бугундан баркамол ёшлар шахсини тарбиялаш экан, тарбиявий омилларга оила, маҳалла ва ўрта мактаблардан эътибор қаратиш талаб этилади. бугунги кунда ёшлар маънавиятига асосий эътибор қаратишими лозим.

3. Маълумки, ёшлар маънавий тарбияси тарихий онг ва ўтмиш омиллари билан ҳам боғлиқ. Бу борада миллий маънавиятининг тарихий асослари мустаҳкам. Авесто, Турк ҳоқонлиги шароитидаги Тўньюқуқ, Билга ҳоқон ҳикматлари, Ўрта асрларда мусулмон Ренессанси шароитида Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Фарғоний, Ал-Форобий, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, сўнгги ўрта асарларда, яъни Иккинчи Ренессанс шароитида Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Мирзо Улуғбек ва Захириддин Бобурларнинг ҳикматларга қоришиқ асарлари миллий маънавиятимизнинг намуналари сифатида тарихий онгнинг юксалишини, миллий руҳнинг ҳамда ғурурнинг ўсишига хизмат қилади. Ёшлар маънавий тарбиясида ушбу жиҳатлардан самарали фойдаланиш ёшлар маънавий тарбияссида миллий-тарихий қадриятларга эътибор қаратиш сифатида муҳим.

4. «Ўзбекистон – кежаги буюк давлат» концептуал ғояси Янги Ўзбекистон шароитида ўзининг янада долзарблигини намоён этмоқда. Ушбу ғоя ҳар биримизда фахр ва ифтихор туйғусини юксалтириши билан бир қаторда Ватанимизнинг умидли ва шарафли келажагини таъминлаш учун ҳам бугунги

кундан бошлаб ёш авлод тарбиясига ва таълим жараёнларига эътибор қаратишимизни тақозо этади.

Ушбу жиҳатлар мамлакатимизда баркамол ёшларни тарбиялашга асосий эътибор қаратиб, «...республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи – инсоннинг, айниқса ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши ва уларнинг фаровон хаётини таъминлашдан иборатдир»[6].

ХУЛОСА

Учинчи Ренессанс асослари мустаҳкамланаётган бугунги миллий тавраққиёт шароитида келажакда ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун камарбаста бўлган ёшларимизнинг маънавий тарбиясига эътибор қаратиш муҳим бўлиб, таълим ва тарбиявий жараёнларда ушбу соҳа зиёлиларимиз ва ота-оналарнинг доимий дикқат-эътиборида бўлишни тақозо этади. Чунки, маънавият ёшлар руҳини уйғотувчи буюк қудрат сифатида барча даврларда ҳам долзарб ҳисобланиб, жамият зиёли қатламларининг доимий дикқат-эътиборида бўлиб келган. Баркамол авлоднинг буюк куч эканлиги, уларнинг салоҳият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда келажак пойdevorinинг мустаҳкам асосларини яратা бориш стратегик аҳамиятга эга бўлган буюку заруратдир. Мамлакатимиз Президенти томонида фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги мамлакат зиёлиларининг олдига қўйган концептуал вазифалар бевосита ёшлар потенциалидан максимал даражада фойдаланиб, уларнинг билим, қўнишка ва тажрибаларини замон талаблари даражасига мослаштириб боришни тақозо этади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ғоясининг амалий ифодаси сифатида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда рўй берётган позитив ўзгаришлар ёшлар онгига янгича дунёқарашни ривожлантириб, халқ ва Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини оширмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъбирлари билан айтганда: “Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг обод-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ”[7]. Демак, тарбиявий жараёнларга эътибор қаратиб, ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳар биримизнинг зиммамиздаги вазифа сифатида муҳимдир. Бунинг учун ижтимоий-маданий омиллардан фойдаланиш, яъни ижтимоий ва маданий соҳаларда қадриятларимизнинг муҳим қирраларини ифодаловчи омилларни ёшлар тафаккурига сингдириб бориш орқали уларда ватанга садоқат ва элга ҳурмат ҳиссини ривожлантира бориш тарбиявий жараёнларда муҳим жиҳат сифатида доимий эътиборни талаб этади. Бу борада мамлакатимиз раҳбари

таъкидлаганлариdek: «...ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва қасб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда»[8]. Демак, баркамол авлоднинг фуқаролик мавқеи кучайтириб, фаол ижтимоий мавқеини таъминлаб бориш учун ҳам улар тафаккурида маънавий омилнинг устуворлигини таъминлаб бориш зарурдирки, бу жиҳат бугунги тараққиёт шароитидаги талаб сифатида доимий дикқт-эътиборни тақозо этади.

Маълумки, ёшлар тарбияси, хусусан уларнинг маънавияти юксалишига турли омиллар таъсир этиб, баркамол авлод дунёкараши ана шундай омиллар таъсирида тарбияланиб бораверади. Буларнинг ичида ижтимоий-маданий омиллар ўз таъсир имкониятларининг кенглиги ва самаралилиги билан ажралиб туради. Ижтимоий омиллар кундалик ижтимоий ҳаёт давомида, таълим-тарбия, ижтимоий муносабатлар, алоқа воситалари ёрдамига таъсир жараёнлари давомида кузатиладиган воқеа ва ҳодисалар бўлса, маданий омиллар эса – халқимиз маданиятининг ажралмас элементларига айлануб, асрлар давомида миллий қадриятларимиз тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган урфодат, анъана, тўй-маросимлар, шунингдек байрамлар, тантаналар ва қадриятларимизни ифодаловчи воститаларнинг барчаси маданий омиллар сифатида эътиборга лойиқdir. Шу жиҳатдан ҳам ёшларимизнинг маънавий юксалишини таъминлашда ижтимоий-маданий омилларнинг ижобий жиҳатларидан самарали фойдаланиш Янги Ўзбекистон асослари мустаҳкамланаётган бугунги паллада ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бунинг учун бошланғич, ўрта, ўрта-маҳсус ва олий таълим тизими билан бир қаторда, меҳнат ва хизмат жамоаларида, оила ва маҳаллаларда, шунингдек барча бўғиндаги давлат ва фуқаролик жамияти институтларида ёшлар маънавияти юксалишини таъминловчи ижтимоий ва маданий тадбирларни ташкил этиш – бугунги куннинг талабидир.

Ёш авлоднинг баркамоллигини таъминлаш йўлидаги интилишлар, яъни жисмоний ва маънавий соғлом ёшларни тарбиялаш – Учинчи Ренессанс асослари мустаҳкмланаётган бугунги шароитда долзарб аҳамият қасб этиб, давлат сиёсатининг таркибий қисми сифатида эътироф этилаётгани ижобий ҳол сифатида қаралмоғи лозим. Ёшлар маънавиятини юксалтириш бугунги глобал таҳдидлар тазиёки шароитида зарурй аҳамиятга эга бўлиб, ёшлар тафаккурида миллий қадриятларга мос бунёдкорлик хусусиятларининг ривожида эътиборли омилdir. Маънавий юксалиш йўлидаги таълим ва тарбия ёшлар тафаккурида Ватан ва халқ

манфаатлари йўлидаги дунёқараш барқарорлигини таъминлаши билан бир қаторда миллий ментал хусусиятларни ўзининг руҳиятида сингдирган ёшлар қатламининг ривожида зарурдир.

Барқарор тараққиёт йўлидан бораётган жамиятнинг оптимал ривожини таъминлаш билан бир қаторда келажак асосларини мустаҳкамлаб бориш бугунги маънавий юксалиш шароитида ёшлар таълими ва тарбиясига берилаётган эътибор билан ўлчанади. Шунинг билан бир қаторда миллий истиқлол боис Ўзбекистоннинг жаҳонга юз буриб, халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида инсониятга молик масалалар мамлакатимиз иштироқида халқаро минбарларда муҳокама этилаётганлиги шароитида ёшларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол тарзда тарбиялаш мамлакатимиз зиёлилари зиммасидаги буюк вазифадир. Янги Ўзбекистон шароитидаги ижтимоий-иктисодий ва маданий соҳадаги сифат ўзгаришлар ёшларда фахр ва ифтихор ҳиссининг юксалишини таъминлашга хизмат қиласиди, ушбу жиҳат ёшлар маънавияти ривожини таъминловчи омил сифатида эътиборлидир.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш асосида улар дунёқарашини миллий қадриятларимизнинг ижобий қирраларини ўзига сингдирган бунёдкор ғоялар билан сугориш, ёшлар кундалик фаолиятини Янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлашга йўналтира бориш долзарб вазифа сифатида аҳамиятли. Шунинг билан бир қаторда, тадқиқ этилаётган мавзуга бағишлиланган илмий-назарий манбаларни ўрганиш, уларда илгари сурилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, мамлакатимиз ёшлари орасида ўтказилган социологик тадқиқотларни таҳлил қилиш бир қатор хулосаларни чиқариш имконини беради.

REFERENCES

1. Отамуродов С. Миллий муносабатларнинг сиёсий жиҳатлари. Тошкент: Янги аср авлоди, 1996.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -56 б.;
3. Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. – Б. 174.
4. Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. – Б. 8.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. Том 4. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020.– Б.129.
6. Туленова Г.Ж. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалс. фанл. докт. дисс. Тошкент, 2006. – Б. 256.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2022. – Б. 252.
8. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том 2. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2018. – Б. 490.